

Дуо ҳам ибодат



07:09 / 05.11.2018 4144

Дуо ибодат турларидан бири бўлиб, у инсон билан Аллоҳнинг орасини боғлайди. Дуо инсон руҳига қўшиб яратилган нарса бўлиб, қийинчилик вақтида, бошга мусибат тушганда, бирор дардга чалинганда ўз-ўзидан, биров ўргатмаса ҳам, ҳар бир одам Аллоҳга илтижо қила бошлайди. Инсон ҳаётдаги ҳодисалар қаршисида ожиз қолганида ўзига дуодан бошқа суянчиқ топа олмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло мусулмонларни дуо қилишга буюрган.

﴿دَاخِرِينَ جَهَنَّمَ سَيِّدًا خُلُونَا عِبَادِي عَنِ يَسْتَكْبِرُونَ الَّذِينَ إِنَّ لَكُمْ أَسْتَجِبْ أَدْعُوْنِي رَبُّكُمْ وَقَالَ﴾

«Роббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар», деди» (Ғофир сураси, 60-оят).

Шунинг учун ҳам инсон уни ҳалокатдан қутқариб қолган Аллоҳга осий бўлмасдан, балки ўша ҳолатини Аллоҳнинг тоат-ибодати учун доимий эслатма қилиб олиши лозим. Дуо Исломда руҳий улуғворликнинг асосий рамзи ҳамдир. Бу улуғворлик мусулмон кишини жасади учун керакли баъзи бир дунёвий нарсалардан ўзини юқори тутадиган ва камолот чўққиларига чиқадиган қилиб қўяди. Бунинг устига, аввал айтиб ўтилганидек, мусулмон киши дуо орқали Аллоҳдан фазл (устунлик), ишларининг осон, мушкулнинг енгил бўлишини ва бошқа нарсаларни сўрайди. Қуръони каримда дуо маъносидаги жуда ҳам кўп оятлар бор. Бу оятларни ёдлаб олиб, дуо қилиб юрилса, Қуръонга мувофиқ дуо қилинган бўлади. Дуо фазилатли иш эканлиги тўғрисида жуда ҳам кўп далиллар келган. Шулардан биргина ҳикояни эслатиб ўтиш кифоя бўлса керак:

Алана Ландсберг исмли самолёт командири билан тўққиз киши ҳалокат туфайли океанга тушиб кетишганида, ҳамма уларни ҳалок бўлди деб ўйлаган. Бу ҳақда командир қуйидагича ҳикоя қилади: «Бир амаллаб иккита қутқарув резина балонига жойлашиб олдик. Бизда бир қултум сув ҳам, бир тишлам нон ҳам йўқ эди. Ҳаммамиз даҳшатда эдик. Фақат орқа пулемётчимиз Альберт Гранандез даҳшатга тушмади, балки ихлос билан ёлвориб, дуо қила бошлади. Бизни тинчлантириб: «Мен биламан, Аллоҳ менинг дуоимни қабул қилади, бизга тезда ёрдам беради», дерди. Аёвсиз қуёш иссиғида қолдик. Шундай бўлса-да, ичимизда Аллоҳга ёлвориб дуо қилар эдик. Шу ҳолда уч кун ўтди. Ниҳоят оқшом чоғи кичкина оролчага кўзимиз тушди. Шу пайт ҳеч қутилмаган воқеа содир бўлди – бизга қараб учта қайиқ сузиб кела бошлади. Ичида яланғоч кишилар бор эди. Кейин билсак, бизнинг халоскорларимиз австралиялик туб аҳоли вакиллари бўлиб, қора танли яланғоч кишилар экан. Улар ўз юртларидан юзлаб мил масофани сузиб ўтиб, шу ерга келишибди. Ўзларининг айтишларича, улар кеча ўлжаларини олиб, юртларига қайтишмоқчи экан, лекин қандайдир сирли туртки уларни ўз қайиқларини мана шу ҳаммининг эсидан чиқиб кетган, ҳеч кимга фойдасиз тарафга буришга ундабди» (Бу воқеа 1944 йил октябрь ойида содир бўлган.)

Дуонинг фойдаси қай даражада эканини мазкур воқеадан ҳам билиб олиш мумкин.

“Иймон” китобидан